



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 8 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (12.694)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори озиқ-овқат саноатининг изчил тараққий этишида муҳим дастуруламал бўлмоқда. Бу жараёнга хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва салмоғини оширишга хизмат қилаётди.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Lazzat Karamel» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси — улардан бири. 2011 йилда ташкил этилган мазкур корхонада илгор технологиялар асосида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхонадаги маҳсулот тайёрлаш ва қадоқлашда фойдаланиладиган замонавий ускуналар Германиянинг «Hansel Processing» ва Италиянинг «Аста» каби етакчи компаниялардан келтирилган. «Lazzat Karamel» йилига тўрт минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу саноат муассасаси томонидан тайёрланаётган ўттиздан ортиқ турдаги лаззатли ширинликлар истеъмолчиларга маъқул келаётди.

Корхона маҳсулотлари сифат сертификатларига эга, ISO 9001:2008 халқаро стандартига мос. Қўшма корхона мамлакатимизда аъёнавий тарзда ўтказиладиган «Озиқ-овқат саноати — WorldFood Uzbekistan» халқаро кўргазмасида иштирок этиб, истиқболли шартномалар тузмоқда, хариддорлар сафини кенгайтирмоқда.

Корхонамизда тайёрланаётган қандолат маҳсулотларининг сифати, ширинлиги хорижийдан асло қолишмайди. — дейди корхона бош директори Абдулжаппар Иброҳимов. — Маҳсулотларимиз мамлакатимиздаги барча хонадонларга кириб бораётганидан хурсандимиз. Ўзбекистонда бизнес учун яратилган кенг имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва шу орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Қулай иқтисодий муҳит, илгор технологик жараён, замонавий саноат дастгоҳлари ва жамоанинг ишга муносабати натижа-сида ушбу муассаса қисқа фурсат ичида мамлакатимиздаги етакчи

корхоналардан бирига айланди. Буни жорий йилнинг июнь ойида ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари алоҳида эътироф этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига ихтисослашган қатор хорижий компаниялар ушбу қўшма корхона билан ҳамкорликка қизиқиш билдирди.

«Lazzat Karamel»да ишлаб чиқариш камрови йил сайин кенгайиб, маҳсулот тури кўпайиб бораётди. Бу ишлаб чиқариш хажмининг тобора ошишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, 2013 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 4,5 миллиард сўми ташкил этган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткичи йигирма физга ошириш мўлжалланган.

Корхонада олтинчи нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётди. Уларнинг кўпчилигини касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини битирган ёшлар ташкил қилади.

— Тошкент политехника касб-хунар коллежини тамомлаб, ушбу корхонага ишга жойлашдим, — дейди дастгоҳ оператори Фаррух Саидов. — Коллежда ўқувларимдан олган билимимни амалиётга татбиқ этган ҳолда мазкур корхона раванкига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Ана шундай ахил жамоа билан меҳнат қилиш ишимга унум, ғайратимга ғайрат қўшмоқда. Ўқиниш давом эттириш мақсадида Тошкент давлат техника университетига ҳужжат топширдим. Келгусида ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиб, куч-ғайратимни мамлакатимиз тараққиёти йўлида сарфлаш-ни мақсад қилганман.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири
Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар

ФРАНЦИЯ СЕНАТИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Франция Сенатида «Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва жаҳон амалиёти» мавзусига бағишланган Франция — Ўзбекистон давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Франция Сенатининг Бош котиби Жан-Луи Эрин, «Франция-Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси, сенатор Андре Дюле, «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси, сенатор Бернадет Бурзай ва бир қатор сенаторлар, шунингдек, та-ниқли олим, нуфузли эксперт ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзо-лари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида сўзга чиққан «Франция-Марказий Осиё» парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле мазкур давра суҳбатининг ўтказилиши ҳам сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги кўп қиррали муносабат-ларнинг фаоллашганидан ва улар тобора ривож-ланиб бораётганидан далолат беришини қайд этди. Бунда Ўзбекистон ва Франция парламентла-ри ўртасидаги доимий ташриф алмашувлари ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки бундай ташрифлар дои-расида икки томонлама ҳамкорликни янада ривож-лантиришга оид долзарб масалалар, шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик масалалар ҳам муҳо-кама қилинади, уларнинг ҳал этилишида Ўзбе-кистон муҳим роль ўйнайди. А. Дюле Европа мам-лакатлари бир неча асрлар давомидаги демокра-тик тараққиёт йўлини Ўзбекистон Республикаси сўнгги йигирма уч йил давомида босиб ўтганини ва эришилган натижалар ҳайратга соларли ва ишонarli эканлигини алоҳида қайд этди. «Бун-дай тадбирларнинг ўтказилиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади», деди у.

Мамлакатимиз делегацияси аъзолари Ўзбеки-стонда парламентаризмнинг ривожланиши тамойил-лари, конституциявий ислохотларнинг хусусиятла-ри, республика парламенти фаолияти, парламен-т ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, сайлов қонунчилиги ва сай-лов тизимининг ривожланиши мавзуларига бағиш-ланган тақдиротларни ўтказдилар. Уларда демок-ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-қаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тамойилларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирларга ало-ҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятининг барча ша-ҳар ва туманларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчи-ларига мутахассислик дипломлари топширилмоқда. Фарғона вилоятида-ги мавжуд 156 касб-хунар коллежи ва академик лицейларда ёшларнинг билим олиши ва касб-хунар ўрганиши учун бар-ча шароит яратилган. 2013/2014 ўқув йилида вилоятда 60 минг 900 нафар-дан зиёд йигит-қиз касб-хунар кол-лежи ва академик лицейларни би-тирди.

● Жиззахда ёш автоназоратчилар республика аъёнавий анжумани бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ви-лоятлардан 14 жамоа иштирок этди. Анжуманда иштирокчилар йўл ҳара-кати қоидалари бўйича назарий им-тиҳон, «Хавфсиз гилдирак» ёш вело-сипедчилар пойғаси, «Ёш пийда», «Ёш бошқарувчи», йўл-транспорт ҳодиса-си натижасида жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, «Техника ижодиёти», йўл ҳаракати қоидалари тарғиботи бўйича ўз маҳо-ратини намойиш этди.

● Амударё туманида вьетнамлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Asia Silk» шўъба корхонаси пиллани қайта ишлашга ихтисослашган. Бу ерда 60 га яқин мутахассис фаолият юритмоқда. Ту-мандаги касб-хунар коллежларини тугатаётган ёшлардан 18 нафари амалиёт ўтаб, доимий иш билан таъ-минланди.

● Самарқанд шаҳридаги «Мўъжи-за» амфитеатрида «Битирувчи — 2014» тадбири ўтказилди. Бу йил вилоятда-ги олий ўқув юртларини юздан ортиқ йўналиш бўйича 5 минг 778 нафар ба-калавр ва магистр тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўймоқда. Маросимда битирувчиларга диплом топширилди.



ЖАҲОНДА

● Австралиянинг ўйин қурилмала-ри ишлаб чиқарувчи «Aristocrat» ком-панияси Американинг худди шу йўна-лишда фаолият олиб боровчи «Video Gaming Technologies» компаниясини 1,3 миллиард АКШ долларига сотиб олади. «VGT» Оклахома, Вашингтон, Калифорния ва яна бир қанча штат-ларда 20 мингдан ортиқ ана шундай ускуналарни ижара асосида жойлаш-тирган. «Aristocrat» эса Шимолий Америкада 8,2 мингга ўйин қурилма-ларига эга. 2015 йилнинг мартага қадар шартномадаги барча шартлар тўлиқ адо этилиши режалаштирилган.

● Япония ҳукумати мамлакатнинг Окинава ороли жанубида жойлашган префектуралар аҳолисини «Неогури» тўфони яқинлашиб келаётгани ҳақида огоҳлантирди. Метеорология соҳаси мутахассисларининг таъкидлашича, у сўнгги бир неча ўн йил ичида қайд этилган шу туркумдаги табиий офат-лар орасида энг кучлиси бўлиши мум-кин. Ҳозир «Неогури» жануби-шарқий йўналиш бўйлаб соатига 20 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда. Унинг марказида шамолнинг шиддати со-ниясига 70 метргача етаяпти.

● Бундан буён ҳар ойнинг биринчи якшанбасида Италиядаги музейларга бепул кириш мумкин. Мамлакат мада-ният вазирлиги ташаббуси билан шун-дай янгиликка қўл урилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Италиянинг бой тарихий мероси билан фуқаролар ҳамда хорижий сайёҳларни янада кенгрок таништиришдан иборат.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фермер хўжаликларини лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашли-зинг» акциядорлик лизинг компанияси бошқаруви раиси Н.Отанов ва бошқалар мам-лакатимизда молиявий хизмат-лар кўрсатиш қўлами тобора кенгайиб бораётгани кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хусусан, фермер-лар фаолияти самарадорлиги-ни оширишда кенг имконият-лар яратаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда лизинг хи-зматининг ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва кенг имтиёزلар яратилган. Техника-ни лизингга олишда фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда худудий «Қиш-лоқхўжаликим» акциядорлик жамиятлари учун қатор имтиёз-лар яратилган. Лизинг мудда-тининг 7 йилдан 10 йилгача экан-и, техника қийматининг 15 фо-

изи олдиндан тўланиши ва ли-зинг даромади йиллик фоизин-нинг банк молиялаштириш ставкасининг эллик фоизидан ошмаслиги шулар жумласидан-дир.

Матбуот анжуманида таъ-кидланганидек, лизинг фаоли-яти солиқ имтиёзлари бериш орқали ҳам қўллаб-қувватлан-моқда. Ўзбекистон Республи-каси Солиқ кодексига муво-

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 майдаги «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги иш-лаб чиқаришини янада модер-низация қилиш, техник ва тех-нологик жиҳатдан қайта жиҳоз-

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

«Ўзқишлоқхўжаликмашли-зинг» акциядорлик лизинг ком-панияси ўз фаолиятини бошлаг-ан даврдан буён 37 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхо-насига 1 триллион 108,8 мил-лиард сўмдан ортиқ қийматда-ги 50 мингга яқин техника во-ситасини лизинг асосида етказиб берди.

фик, лизинг тўловлари қўшил-ган қиймат солиғидан, лизинг-га бериш учун хориждан юр-тимиз худудига олиб келинган техника ва ускуналар божхона тўловидан озод қилинган. Ли-зинг шартномаси амал қила-диган муддатларда лизингга берилган мулкка солиқ тўлан-майди.

лаш дастури тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги иш-лар қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашли-зинг» акциядорлик лизинг компанияси томонидан жорий йилда тўрт мингдан ортиқ фермер хўжалигига қирқ тур-даги тўрт ярим минг дондан

(ЎЗА)

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Алишер Навоий но-мидаги кино саройида «Ўзбек-

кино» миллий агентлиги буюрт-маси асосида тасвирга олинган «Йўл» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек ту-манидаги «Умид» маҳалласида

«Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш» мавзуида маънавий-маърифий давра суҳбати ўтка-зилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Дав-лат консерваториясида «Ягона-сан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг олий таълим муас-сасалариаро якуний босқичи уюштирилади.

Мақолаамизни кундалик ҳаётимизда юз бериб турадиган ва деярли барчамиз шоҳиди бўладиган бир ҳолат тафсилоти билан бошломқимиз. Айтайлик, ўзимизни жамоат транспортида, бозорда, бензин қуйиш шохобчасида ёки бирон-бир хизмат кўрсатиш жойларида харидор сифатида алданганимизни сезиб қолдик. Бундай вазиятда қандай ҳолатга тушамиз? Сизга нисбатан содир этилган бундай ноҳақлик билан қандай қилиб курашасиз?

Муболағасиз таъкидлаш мумкин, кўпчилигимиз алданганлигимизни билсак, ўз норозилигимизни, аввало, бақир-чақир билан билдирамиз ёки шу каби усуллар билан шаштимиздан тушамиз. Лекин сўздан нарина, амалий ҳаракатга ўтмаймиз. Нега? Чунки бундай вазиятда тўғрилиқ ва ҳақиқатни қаердан излашни, аниқроқ айтиладиган бўлсак, қонунни, ким бизни ҳимоя қила олиши мумкинлигини доимо ҳам тушуниб етмаймиз.

Тасаввур қилинг, қиш бошланишидан аввал олдингизда оёқ кийим муаммоси турибди. Эски этигингиз анча уриниб, яроқсиз аҳволга келиб қолгани боис, янгисини харид қилишингиз керак. Шунинг учун бозорга тушасиз. Дўкондан ҳам олишингиз мумкин-у, аммо у ердаги нарх қимматроқ. Бозорда эса бемалол савдолашиш мумкин. Хуллас, ўзингизга маъқул этикни танлаб, сифати билан қизиқасиз.

Сотувчи, этик асл чармдан, бежирим тикилганини айтиб, молини тинмай мақтайди. Этик ўзингизга ҳам маъқул. Шундай бўлсада, ўтган йили арзонига учиб олган, аммо бир йилга ҳам чидамаган оёқ кийимингиз эсингизга тушиб, иккиланасиз, таваккал дея этикни сотиб оласиз. Икки ой ўтар-ўтмас, бир пой этикнинг оғзи очилиб қолади. Таниш қосибга учрасангиз, сунъий чарм олибсиз, деб баттар асабингизни бузади. Нима қилиш керак? Шоша-пиша этикни сотган кишининг олдига юграсиз. Бироқ, у бу этикни сотмаганлигини, сизни ҳам танимаслигини айтиди. Этикни айнан ундан сотиб олганингизни исботламоқчи бўласиз, аммо қўлингизда исботингиз – касса чеки йўқ.

Бундай воқеалар онда-сонда бўлсада, учраб туради. **Бунинг сабаби нимада деб сўрашингиз табиийдир.** Сабаблари кўп.

Аслида-ку, харид қилиб олинган ҳар қандай товар ёки кўрсатилган хизмат учун касса чекини талаб қилиб олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз даражасига қўтарилиши лозим. Зеро, касса чекининг берилмаслиги айрим нопок савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ҳодимлари томонидан келиб тушган нақд пул маблагларини банк муассасаларига инкассация қилинмаслигига олиб келиши мумкин. Маълумки, бундай салбий ҳолатлар стипендия, пенсия, нафақа ва қолаверса, иш ҳақининг ўз вақтида берилишига салбий таъсир кўрсатади. Бу маъқур масаланинг бир томони бўлса, унинг бошқа томони шундаки, биз истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз. Бунинг учун эса, биринчи галда, истеъмолчининг ўзи кимлигини аниқлаштириб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада бизга 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ёрдам беради. Ушбу қонуннинг 1-моддасида истеъмолчи тушунчасига шундай таъриф берилган: «Истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки хусусий ҳўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш ёки хизматга буюртма берган ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро ҳисобланади. Шунингдек, истеъмолчи фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин».

Жисмоний шахс ёши, жисмоний ва руҳий ҳолатидан қатъи назар, истеъмолчи деб тан олинади. Фуқаро нафақат айрим ҳуқуқий муносабатларда, балки товар сотиб олганда, иш ёки хизматга буюртма берганда ҳам, ушбу товар, иш, хизмат натижасидан ўзи ва оила аъзолари фойдаланганда ҳам ёки ўз ҳўжаликдаги уй ҳайвонлари учун маҳсулот сотиб олганда ҳам истеъмолчи бўлиб қолади.

Шу билан бирга, мазкур қонунда истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳам белгиланган. Ҳар бир фуқаронинг истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқлари нималардан иборат эканлигини билиб олиши, албатта, ўзи учун фойдаланган ҳол бўлмайди. Унинг бундай ҳуқуқлари номи юқорида қайд этилган Қонуннинг 4-моддасида қисқа ва лўнда баён қилинган. Унга кўра, истеъмолчи, аввало, товар (иш, хизмат) тўғрисида, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга ҳақли ҳисобланади. Товар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ёки сотувчилар эса, истеъмолчининг ушбу ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини таъминлашга мажбурдирлар.

Шунингдек, истеъмолчи товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш, бу товарнинг етарли даражада сифатли ҳамда хавфсиз бўлишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, истеъмолчи ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулк учун хавфли нўқсонли бўлган товар ёки ишлаб чиқарувчининг гайриқонуний ҳаракати туфайли етказилган моддий ёки маънавий зарарнинг тўлиқ қоплалиши ёхуд бузилган ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини сўраб, суд ёки бошқа ваколатли давлат органига мурожаат этиши ҳам мумкин.

Айтмоқчи, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни жалб қилиш, ички истеъмол бозоринда сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кўчатириш мақсадида, 2002 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, истеъмолчиларга «истеъмолчилар жамоат бирлашмалари»ни тузиш, мабодо, бирон фуқаронинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари бузилса, ана шундай жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Фуқароларимиз, биринчи галда, ёдда туттиларини шарт бўлган шундай бир ҳолат мавжудки, кўпчилигимиз бунга етарли эътибор бермаймиз. Бу харид қилинаётган маҳсулотнинг сифати билан боғлиқ масаладир. Қонуннинг 8-моддасида истеъмолчи сотиб олаётган маҳсулотнинг сифати, вазни ёки нархини текшириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Сотувчи бўлса, нархга оид ҳужжатларни тақдим этиб, товарни ишлатиб кўрсатган, ундан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатиши ҳам шарт. Шундай экан, пешона тери билан топган пулимизга маҳсулот харид қилар эканмиз, аввало, ўзимизни ортиқча ташвишга қўймаслиқни ўйлашимиз лозим. Бунинг учун сотиб оли-

наётган ҳар қандай товар ҳақида тўлиқ маълумот олиш керак бўлади. Бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ. Бунинг учун фақат ўзимиздаги айрим эриш ва бўлса-бўларчилик кайфиятидан воз кечсак бўлгани. Қолаверса, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига биноан, истеъмолчи, яъни харид қилувчи сотувчидан сотилаётган товар ҳақида зарур ва ҳаққоний маълумот беришни талаб қилишга ҳақли.

Аввало, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товарлар (иш, хизмат) ҳақида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Бундан ташқари, товарнинг баҳоси, ишлаб чиқарилган санаси, ундан хавфсиз фойдаланиш қоидалари, яроқлилик муддати ва ушбу муддат тугагач, истеъмолчи нима қилиши кераклиги ҳақида тушунириш бериб ўттиши лозим. Шунингдек, ишлаб чиқарувчининг (сотувчи) номи, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг рақами, ишлаб чиқарувчига (ижрочи, сотувчи) истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзили, сертификатланиши шарт бўлган товарлар тўғрисида маълумот тақдим этиши керак. Агар сотиб олинган товар аввал ишлатилган ёки унинг бирон нўқсонли тузатирилган бўлса, истеъмолчига бу ҳақда маълумот берилиши шарт.

Товарга илова қилинадиган бу маълумотлар техник ҳужжатларга, товарларга ёпиштириладиган этикеткада ёки турли товарлар учун қабул қилинган бошқа усулларда истеъмолчига етказилиши лозим. Техник жиҳатдан мураккаб бўлган товарни сотишда дўкон ҳодими товар паспортига хизмат кўрсатиши мумкин бўлган кафилилик муддатини, сотиш санаси ва манзилини, ус-тахона жойлашган манзилини кўрсатиши шарт.

Тан олиш керак, баъзида сотувчи томонидан нотўғри маълумот берилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Мисол тариқасида алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини олсак. Қонрабандга йўли билан юртимизга кириб келаётган бундай маҳсулотлар экспертизадан ўтказилганда, уларнинг таркибига зарарли моддалар бор эканлиги, баъзан эса захарли моддалар ҳам учраши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд. Шундан ҳам кўриниб

маркали (модели, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг талаби даъво қилинган пайтдан бошлаб бир ой ичида қондирилиши лозим.

Нўқсонли маҳсулотни бошқасига алмаштириш чоғида кўпинча нархдаги ўзгаришлар туфайли келиш-мовчиликлар юз бериши мумкин. Тан олиш керак, бундай ҳолатлар савдода кўп учрайди. Қонуннинг 17-моддасида бундай вазиятларда истеъмолчи билан бўладиган ҳисоб-китоб тартиби кўрсатилган. Камчилиги бўлган маҳсулот худди шундай маркали, артикулли ёки моделига алмаштириладиганда, бундай маҳсулотнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Агар бошқа маркали, модели маҳсулотга алмаштириш ҳақида гап кетаётган бўлса, масала қуйидагича ҳал этилади. Агар алмаштириладиган маҳсулотнинг баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи томонидан тақлиф қилинаётган бошқа моделдаги маҳсулотнинг баҳосидан паст бўлса, истеъмолчи нархлар ўртасидаги фарқни тўлаши керак. Борди-ю, бунинг акси бўлса, баҳолар ўртасидаги фарқ истеъмолчига тўланади.

Гоҳида нўқсонли маҳсулотни алмаштиришда уни ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи жойлашган манзилга етказиб бирмунча ноқулайликлар туғдиради. Баъзан эса анча-мунча харажатни ҳам талаб этади. Сотувчилар кўпинча бундай аҳволга тушган истеъмолчини тушунишни истамайдилар ёки унинг ҳуқуқларини менсимайдилар. Аслида эса қонун талабларига кўра, қатта ўлчамдаги, оғирлиги беш килограммдан ортиқ бўлган товарларни тузатиш, алмаштириш сотувчи (ишлаб чиқарувчи) кучи ва ҳисобидан амалга оширилади. Ҳаётда кўпинча бунинг аксини кўраимиз. Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида нўқсонли маҳсулотни транспортда етказиш ва тузатиш харажатлари истеъмолчининг бўйнига тушади. Бундай ҳолатлар юз берганида, қонунда муҳим бир талаб белгиланган бўлишига доимо ёдда туттишимиз керак. **Сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг маҳсулотни транспортда етказиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ барча харажатларини қоплашга мажбур ҳисобланади.**

ҲУҚУҚ, БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик асослари ва уларнинг моҳияти

турибдики, уларни ишлаб чиқаришда технология, стандартлар ва санитария нормаларига риоя қилинмаган. Шифокорлар амалиётида бундай маҳсулотларнинг истеъмол қилиниши натижасида захарланган ва ҳатто ўлим билан якун топган мисолларни оз бўлсада, афсуски, учратиш мумкин.

Ақсарият ўртдошларимиз эса, айниқса, спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини харид қилаётганларида уларнинг акциз маркарларига умуман эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, юртимизда ишлаб чиқарилган ва четдан олиб кириладиган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга мажбурий тарзда акциз маркарси ёпиштирилиши шарт эканлиги, уларни бу талабга ҳилоф равишда, маркарланмаган ҳолда сотиш тақиқланиши билан боғлиқ қоидалар жорий этилганига кўп бўлди. Гарчанд, биз бу турдаги маҳсулотларнинг аҳолиимиз томонидан қамроқ истеъмол қилиниши тарафдори бўлсакда, уларни харид қилаётганда, аввало, бу маҳсулотларда акциз маркарси борлигига ва унинг ҳақиқий эканлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Шундай бўлса-да, дейлик, сифатсиз маҳсулот харид қилинди. Бундай пайтда қандай йўл тутиш керак?

Агар бундай ҳолат юз берса, истеъмолчи шартномани бекор қилиши ва келтирилган зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилиши мумкин. Яъни, қонуннинг 7-моддасига кўра, ҳаққоний бўлмаган реклама натижасида сотиб олинган товар истеъмолчига зарар келтирилганда, зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ қоплаб берилади. Бунинг учун истеъмолчи дўкон номига ўз эътирозини ёзма равишда маълум қилиши лозим. У бундан ташқари, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бозорлардаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи таянч гуруҳларига, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига ёки яшаш жойи бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Қолаверса, қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, даъво аризаси билан мурожаат қилган истеъмолчи давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Шу ўринда яна бир тез-тез учраб турадиган ҳолатга тўхталиб ўтмасак бўлмайди. **Айтайлик, фуқаро ўзи билмаган ҳолда нўқсонли маҳсулот сотиб олсачи?!** Бундай ҳолат юз берса, қонуннинг 13-моддасида кўрсатилганидек йўл тутиш керак. Яъни, истеъмолчи нўқсонли товарни худди шунга ўхшаш бошқа маркали товарга алмаштириб бериш ёки зарур ҳисоб-китобни амалга оширишни талаб қилиш орқали бузилган ҳуқуқини тиклаши мумкин. Ёки нўқсонли товарни қайтариб бериб, олди-сотди шартномаси бекор қилиниши, ёхуд товарнинг нўқсонини бепул тузатиб бериш ёки уни тузатишга кетган харажатлар қоплалишини ҳам талаб қилиши мумкин. Жуда бўлмаганда эса товарнинг сотиб олиш нархини нўқсонни тузатишга кетган харажатлар миқёсидан камайтириш йўли билан амалга оширилади.

Нўқсонли товарни бошқасига алмаштириш тартиби қонуннинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, истеъмолчи томонидан товарнинг нўқсонни аниқлангач, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали (модели, артикулли) товарга етти кун муддат ичида алмаштириб бериши шарт. Борди-ю, товарнинг сифатини сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан қўшимча равишда текшириш зарурати туғилиб қолса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб берилиши керак. Агар шундай

Айни вақтда истеъмолчилар шунга ҳам эъсан чикармасликлари кераклиги, товар нўқсонининг бартараф этилишини талаб қилишининг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Биринчиси, товарнинг касса чеки ёки унинг қафолат муддати белгиланган техник паспорт ёхуд унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат сақланган бўлиши керак. Иккинчиси эса қафолат муддати ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатилган бўлиши шарт. Қафолат муддати, шунингдек, хизмат кўрсатиш муддати товар истеъмолчига сотилган кундан эътиборан ҳисобланади. Агар уни аниқлашнинг имкони бўлмаса, муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бирон нарса сотиб олаётганда, унда муҳр ёки мос ёзув борлигига эътибор бериш керак.

Умуман олганда, инсон ўз эҳтиёжларини қўнқитириш учун ҳар қуни қўплаб товар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар билан ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу муносабатлардан мақсад инсоннинг моддий, маънавий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қаноатлантириш эканлиги барчамизга маълум. Бундай ҳолатда товарлар, ишлар, хизматларни бевосита ўз эҳтиёжи учун қўлайладиган шахс алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши лозим. Бундай мақом эса истеъмолчи ҳуқуқий мақоми ҳисобланади. Қонунда истеъмолчи ҳуқуқий мақоми шахсий истеъмол ёки хусусий ҳўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёки шу ниятда бўлган фуқарога берилиши белгиланган бўлади. Агар фуқаро тадбиркорлик мақсадида товар сотиб олса (қайта сотиш мақсадида товар сотиб олиш), бундай ҳолда у истеъмолчи бўлмайди. Товар шахсий истеъмол мақсадида эмас, балки хусусий ҳўжаликда фойдаланиш мақсадида сотиб олинган ҳолатлар эса (масалан, шахсининг ўз томоққа ҳўжалигида фойдаланиши учун трактор сотиб олиш), унга истеъмолчи мақомини беради. Шу сабабли яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахс истеъмолчи бўла олмайди, деган нўқта назар доимо тўғри эмас. Чунки яқна тартибдаги тадбиркор шахсан истеъмол қилиш учун товар сотиб олиб, иш ва хизматлардан фойдалангани ҳолда у истеъмолчи ҳисобланади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда истеъмолчи деган тушундан ташқари яна бошқа ушбу жараён қатнашчиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам аниқлаштирилган. Масалан, қонунда ишлаб чиқарувчи тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки яқна тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор ишлаб чиқарувчи бўлиши мумкин.

Ижрочи деганда, маънавий хизмат, уй-жой коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишининг бошқа соҳаларига шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки яқна тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорни тушунади, олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчи товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки яқна тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор эса, сотувчи ҳисобланади.

Шартнома товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғри-

сида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишувдир.

Товар деб, ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан, импорт маҳсулотга айтилса, норматив ҳужжатларга стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда муваққат фармокопея қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатида ҳамда хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар кириши ҳам мазкур қонунда белгиланган бўлади.

Бундан ташқари, қонунда истеъмол товарининг хавфсизлиги тушунчаси ҳам ёритиб берилган. Унга кўра, товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги деганда, товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишининг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишининг одатдаги шартларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги тушунилади.

Мувофиқлик сертификати – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлса, товар (иш, хизмат) нўқсонли деб, товарнинг (иш, хизмат) норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товарнинг (иш, хизмат) сифатида одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлигига айтилади.

Бу тафсилотни яна давом эттириш мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам, мазкур тушунчаларни чуқур аналитик етишимиз шарт. Зеро, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик икки тараф, яъни истеъмолчи билан товар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасидаги ўзига хос ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Шуни эътироф этиш лозимки, истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи айрим қўштирноқ ичидаги «яқна тартибдаги тадбиркорлар» белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаганликлари сабабли, юридик жиҳатдан тадбиркорлик субъекти мақомига эга бўлмайди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддаси 2 ва 3-қисмларига асосан, бундай фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини ваъ қилиб кўрсатиши мантиқан нотўғри. Суд бундай битимларга нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларни қўллаши мумкин.

Ҳаммамизга яхши маълумки, хизмат кўрсатувчи томон қанчалик сифатли хизмат кўрсатса, бозор рақобатига бардош беради. Иқтисодий қуввати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиб, кўпроқ истеъмолчи – харидорга эга бўлади. Истеъмолчи эса ўз-ўзидан маълумки, қайси хизмат кўрсатувчи сифатли маҳсулот сотган бўлса, ўша хизмат кўрсатувчининг мижозига айланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофаза қилиш ҳуқуқини барча соҳалари томонидан амалга оширилади. Бу йўналишда асосий ҳуқуқий база бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси хизмат қилади. Чунонки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида белгиланганидек, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилган ҳолларда ҳам ушбу конституциявий норма асосида уларнинг ҳуқуқларини тиклаш тизими шакллантирилган.

Шу ўринда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ нормалари алоҳида аҳамият касб этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддасида истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини қўзлаб ишлаб чиқарганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёхуд ўтказганлик, ишлар бажарганлик ёки хизматлар кўрсатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, бундай ноқонуний ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан энг ҳам ойллик иш ҳақининг ўз бараваридан икки ўз бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилгача алоҳқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси тайинлиниши белгиланган бўлади. Ўша ҳаракатлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига ёхуд одамлар ўлимига ва бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркор томонидан харидор ёки буюртмачиларни алдаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини қўпол равишда бузганлик учун эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 187 ва 188-моддаларида ҳам жиноий ҳуқуқий санкциялар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан ҳам истеъмолчининг ҳуқуқлари поймол этилган ҳолатлар юз берганда қўлланиладиган бир қанча нормалар мавжуд. Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (164-модда), харидор ёки буюртмачини алдаш (165-модда), молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркарсини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш (166-модда), бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш (168-модда), таркибиди кимёвий моддаларнинг қолдиги йўл қўйиладиган дарахдан ортиқ бўлган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиш (169-модда), стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш (173-модда) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, юртимизда инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун ҳисобланиши барчамизга яхши маълум. Ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга. Яшаш ҳуқуқи эса, ўз навбатида, бошқа турдош ҳуқуқлар қатори инсоннинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳам юзага келтиради. Истеъмолчининг юқорида баён этилган асосий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам бошқа барча ҳуқуқлар қаторида қонун билан ҳимоя қилинади. Бу ҳуқуқларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Мираглам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист**

Жаҳон чемпионати — 2014

РАВШАН
ЭРМАТОВ
ПЕШҚАДАМ

**Ўзбекистонлик ФИФА рефериси
Равшан Эрматов футбол бўйича
жаҳон чемпионати финал
босқичларида энг кўп учрашув
ўтказган ҳакам бўлди.**

Р.Эрматов Бразилияда давом этаётган жаҳон чемпионатининг чорак финалида Голландия ва Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги баҳсни бошқариб, ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатларидаги тўққизинчи учрашувини ўтказди. Бу кўрсаткич 1930 йилдан буён ўтказилаётган футбол мундиаллари тарихида ягонадир. Ўзбек ҳакамига жаҳон чемпионатлари финал босқичларида ҳали ҳеч ким тўққизта учрашувни бошқармаган.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидagi мусобақаларда ҳакамлик қилиб келаётган Равшан Эрматов учрашувларни ишончли бошқариши, мураккаб вазиятларда тўғри ва тез қарор қабул қила олиши, футболчиларнинг руҳий ҳолатини яхши тушуниши каби фазилатлари туфайли қисқа вақтда дунёнинг энг яхши ҳакамлари сафига қўшилди.

2010 йили Жанубий Африка Республикаси майдонларида ўтган жаҳон чемпионатида илк мартабада катнашганига қарамадан бешта учрашувни бошқариб, халқаро спорт жамоатчилиги томонидан мусобақанинг энг яхши ҳакамларидан бири сифатида эътироф этилган Равшан Эрматов Бразилиядаги футбол мундиалида ҳам тўртта учрашувга ҳакамлик қилди.

Айни пайтда у жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қиладиган worldreferee.com сайти томонидан эълон қилинган рейтингда пешқадамлик қилмоқда.

**Б.АЙТМУРОВОД,
ЎЗА муҳбири**

Шахримиздаги «Камолот – спорт, саломатлик» мажмуасида Миробод туманида жойлашган учта умумтаълим мактаблари қошидаги кундузги оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болалар учун «Камолот» спорт олимпиадаси» спорт мусобақаси ташкил этилди.

— Ўшбу мусобақани ўтказишдан мақсад болалар ўртасида спортни оммавийлаштириш ва уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратишдан иборатдир, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши фаоли Отабек Собитов. — Ўсиб келаётган авлод бўш вақтида спорт билан шуғулланиб, турли тўғаракларга қатнашса ҳар хил ёт гоёларга эргашди кетмайди.

Дарҳақиқат, ёшларни четдан кириб келаётган турли ёт гоёлардан ҳимоя этиш ва уларнинг бўш вақтининг мазмунли ўтишига ҳар биримиз масъулмиз. Ёшлар спорт билан шуғулланиши натижасида жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етади.

Диарея турли микроорганизмлар кўзгатадиган, кенг тарқалган, сувсираш синдроми билан кечадиган касаллик. Йилнинг иссиқ кунларида ўткир ичак инфекциялари ёки диарея кўпаяди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, жами шифохоналарда ётиб даволанадиган беморларнинг 25 фоизини ўткир ичак инфекцияси касалликлари ташкил этади.

Ўткир ичак касалликлари сабабчиси ифлос қўл бўлиб, у мулоқот, озиқ-овқат ва сув орқали юқади.

Диарея — касалликларини чакирувчилар бактериялар ва вируслар бўлиши мумкин. Бактериялар кўзгатадиган диарея касалликларига дизентерия, салмонеллез, холера, эшерихиоз, вирусли диареяларга эса энтеровируслар, аденовируслар, ротавируслар, ЦМВ, герпивируслар қиради.

Вирусли диареялар — қиш, баҳор, куз фаслларида учрайди. Бактерия кўзгатадиган диареялар куннинг иссиқ кунларида кучаяди. Бу касаллик пайтида бемор сув ва туз йўқотади, натижада тезда ҳолсизланиб, аҳоли оғирлашади, кўнгли айниб қусади, ичи кетади.

Ўткир ичак инфекцияларини кўзгатадиган микроорганизмлар озиқ-овқат маҳсулотларида ва одам организмида яшар экан, токсин ажратиб чиқаради. Оғиз орқали кирган микроблар ингичка ва йўғон ичкака ўтади. Улар парчаланганида ҳам токсинлар ажралиб чиқади. Токсинлар ичак шиллиқ пардасини яллиғлантиради, бунинг натижасида ичак функциялари бузилади. Токсин марказий ва вегетатив асаб тизими-га таъсир қилиб, уларнинг фао-

Мутахассис маслаҳати

ЎТКИР ИЧАК
ИНФЕКЦИЯЛАРИДАН
ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

лиятини ҳам издан чиқаради. Токсикоз аломатлари пайдо бўлади. Сув — электролитлар алмашинуви бузилиб, организмда сувсираш аломатлари пайдо бўлади.

Дизентерия авжига чиқадиган даври 1-2 кундан 8-9 кунгача давом этади. Баъзан дизентерия сурункали шаклда ўтади.

Салмонеллез асосан — интоксикация, гастроэнтерит, сувсираш синдроми ва оғир ҳолларда сепсис шаклида учрайди. Катта ёшли одамда салмонеллез авж олиши учун салмонеллар жуда кўп бўлиши керак. Болаларда эса касаллик пайдо бўлиши учун кичик доза кифоя.

Касаллик тўсатдан бошланиб, бемор ҳарорати 2-4 кунгача кўтарилди, кўнгли айниб, кетма-кет қайт қилади, ичи кетади, дармон куриб иштаҳаси йўқолади, тили оқ қараш билан қопланади.

Авалло ўткир ичак касалликлари имкони борича барвақт аниқланиб, бу ҳолатнинг олдини олиш учун шакар-туз эритмалари (регидрон, глюкосолон) тайёрлаб беморга ичирилади. Ҳозирги вақтда ҳар бир поликлиникада орал регидратацион пункти ташкил қилинган бўлиб, юқорида қайд этилган ёрдам поликлиника шароитида амалга оширилади. Поликлиника шароитида даволаш ёки стационарга юборишни шифокор ҳал қилади. Ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш учун санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш ва умуман, аҳолининг санитария ва гигиена ҳақидаги тегишли билимларга эга бўлиши жуда муҳимдир.

**Мазъура РАСУЛМЕТОВА,
1-шосилинч юқумли
касалликлар клиник
шифохонаси шифокори**



2014 йил — Соғлом бола йили

МЕҲР ОҒУШИДА

Чилонзор тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 201-мактаб жамоаси томонидан ўғил-қизларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишлари учун анча илгари тараддуд бошланиб, зарур ишлар амалга оширилди.

— Жамоамиз ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида ҳордиқ чиқариши билан бирга спорт билан шуғулланишлари учун ҳам керакли чораларни кўришди, — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зилола Қайумова. — Шу мақсадда тўрт сменада ҳордиқ чиқарувчи ўғил-қизлар учун спорт-соғломлаштириш майдончаси ташкил этилди. Ҳар бир сменада 95-100 нафар ўғил-қиз мактаб қошидаги «Нихол» спорт соғломлаштириш майдончасида мавсумни кўнглидагидек ўтказишпти. Яқинда болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси туман бўлимидан 20 нафар қизга спорт кийимлари совға қилинди. Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шароитларни муайён этишга ҳаракат қилаёғимиз. Уларнинг соғлиғини мактаб ҳамшираси Ирода Қутибоева доимий назорат қилиб бормоқда. Гуруҳ тарбиячиларидан Мазъура Солихрова, Зулфия Арипова, Мамолат Хусановалар ёш авлоднинг чиниқиб ҳордиқ чиқаришлари учун бор маҳоратларини ишга солишяпти.

Дарҳақиқат, ушбу таълим масканида эртаимизнинг эгалари бўлган

ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши йўлида режали тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, ўғил-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари, тўғаракларда кўнликма ҳосил қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, соғлом бола камолоти йўлида қилинаётган бу ишлар албатта ўзининг самарасини беради.

**Равшан ШОДИЕВ
СУРАТДА: 201-мактаб қошидаги
оромгоҳда болажонлар мана
шундай ҳордиқ чиқаришмоқда**

СПОРТ БИЛАН КАМОЛОТ САРИ

Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган имкониятлар мавжуд. Бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ташкил этилган мусобақа спортнинг шахмат, шашка, мини-футбол, армрейстинг ва қувноқ эстафета турлари бўйича ўтказилди.

Тадбирга «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси шаҳар бўлимининг санаткорлари ҳам ташриф бую-

риб ажойиб куй-қўшиқлари билан иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлашди.

Спорт мусобақалари сўнггида ғолиб жамоалар ташкилотчилар томонидан «Янги аср авлоди» нашриётининг энг сара китоблар тўлаими ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдуллазиз ШЕРАЛИЕВ

«101»

САБОҚ БЎЛИШИ
ДАРКОР

Одатда ёшларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлар хавфсизлиги хизмати ходимларининг эътибори кўпроқ фуқаролар ўртасида ёшлар хавфсизлиги бўйича профилактик ишларни кучайтиришга қаратилган.

Афсуски, шунга қарамай, пойтахтимизда турли сабабларга кўра ёшлар содир бўлмоқда. Уларда инсонларнинг тан жароҳати олгани ёки ҳалок бўлгани ачинарли ҳолдир.

Бу борада пойтахтимизда содир бўлаётган ёшлар сабабларини кўриб чиқиб, таҳлил қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 550 дан ортиқ ёшлар рўй берган. Улардан талафот содир бўлган хонадонларда 7 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган бўлса, 20 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Кўпчилик ёшлар хавфсизлиги қоидаларини яхши билса-да, негандир уларга амал қилишни хушламайди. Бунинг натижасида эса хонадонлар, катта майдонлар олов қуршоғида қолади, инсонларнинг ҳалок бўлишига ёки бир умрга ногирон бўлишларига олиб келади.

Келиб чиққан кўнгилсизликларда фуқароларимизнинг ўзлари катта хатоларга йўл қўйганлар. Бундай фожиали ҳолатлар ҳаётга енгил-таклик билан қараётган фуқаролар учун сабоқ бўлиши даркор.

**Саидяло УБАЙДУЛЛАЕВ,
12-ХҲО 23-ХҲК кичик инспектори,
сафдор**

ФУҚАРОЛАР ВА
ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ҳусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2014 йил июнь-декабрь ойларида жойларда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларини сайёр қабул қилиш кунлари жадвали тасдиқланди. Жадвалга мувофиқ фуқаро ва тадбиркорлар 2014 йил 15 июль кунини **Сергели тумани** ҳокимлиги мажлислар залида соат 10:00 дан 12:00 гача ва **Чилонзор тумани** ҳокимлиги мажлислар залида соат 15:00 дан 17:00 гача ўтказиладиган сайёр қабулларда қатнашиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

**Шаҳар Фавқулудда
вазирлар бошқармаси
фаолиятдан**

САМАРАЛИ ЎҚУВ
МАШҒУЛОТЛАРИ

Хушёрлик ва огоҳлик – инсон хавфсизлигининг муҳим кафолати. Шу боисдан, хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда зийраклик талаб этилади.

Кўнлар исиган пайтда фуқаролар, айниқса ёш болалар ва ўсмирлар қўмилиш мақсадида сув ҳавзалари томон ошмақдирлар. Улар орасида сузишни билмайдиганлари ҳам, билмайдиганлари ҳам бор. Сувга чўкиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулудда вазирлар бошқармаси ҳарбий хизматчилари томонидан қатор муҳофаза тадбирлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз ҳудуди орқали ўнлаб дарё, канал ва анҳор сувлари оқиб ўтади. Бундан ташқари, деярли ҳар бир истироҳат боғида қўмилиш масканларининг мавжудлиги пойтахт фуқаролари муҳофазаси учун масъул бўлган шахслар – сув ҳавзалари раҳбарлари масъулиятини янада оширади. Шу боис, мутасадди раҳбарларнинг билими ёхуд шу соҳага оид кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулудда вазирлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази томонидан тингловчиларни фуқаро муҳофазаси, фавқулудда вазирларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказиш машғулотлари режа асосида олиб бориляпти.

Эътиборли жиҳати шундаки, айрим ҳолларда дарсларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида бошқарма ходимларидан ташқари, соҳа мутахассислари ҳам машғулотларга жалб этилмоқда. Яқинда бошқарма Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази тингловчилари, сув ҳавзалари раҳбарлари Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти Сув спорти ва эшак эшиш турлари назарияси ва услубиети кафедраси катта ўқитувчилари Александр Гейгер, Баҳром Икромов ҳамда пойтахтнинг 2-сонли болалар жарроҳлик клиник шифохонаси травматологи Баҳодир Зоировнинг қўмилиш қоидалари, сувга чўкканда бирламчи ёрдам кўрсатиш, суяк синганда дастлабки муолажаларга қандай эътибор қаратиш зарурлиги ва бошқа тавсиявий машғулотларидан баҳраманд бўлишди.

Шунингдек, пойтахт туманларида жойлашган сув ҳавзалари раҳбарлари иштирокида фуқаро муҳофазасига оид метёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқулудда вазирларнинг таснифи, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, фавқулудда вазирларда ҳаракат қилиш ҳамда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишда бошқарув мавзуларига оид назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Фавқулудда вазирлар ўчоқларида қутқарувчилар ҳаракат қилиши, жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида бошқарма Қутқарув отрядининг махсус қутқарув асбоб-ускуналари ва техникалари кўргазмаси ташкил этилди. Унда қутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш қоидалари, усуллари аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган ҳар бир ўқув машғулотларида тингловчиларга намойиш этилди.

Азамат СУЮНОВ



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

37-39 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,

Тошкент шаҳрида 9 июль кунини ҳаво бир оз ғўшайди, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезлик-да шамол эсади. Ҳарорат яратмади. Ифосланиш таг-миқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 756

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40